



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 3 » марта

№ II8

Toshkent sh.

### **Спорт-таълим муассасаларининг тренер-ўқитувчилари ва йўриқчи-услубчиларига малака тоифаларини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини янада комплекс ривожлантириш чоралари ҳақида” 2019 йил 15 февралдаги ПҚ-4193-сон қарорига мувофиқ ҳамда спорт-таълим муассасаларининг тренер-ўқитувчилари ва йўриқчи-методистларига малака тоифаларини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Қўйидагиларни назарда тутувчи Спорт-таълим муассасаларининг тренер-ўқитувчилари ва йўриқчи-услубчиларига малака тоифаларини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти иловага мувофиқ тасдиқлансан:

**биринчи** – жисмоний шахсларга давлат хизматлари марказлари орқали спорт-таълим муассасаларининг тренер-ўқитувчилари ва йўриқчи-услубчиларига малака тоифаларини бериш бўйича давлат хизмати кўрсатиш тартибини белгилаш;

**иккинчи** – спорт-таълим муассасаларининг тренер-ўқитувчилари ва йўриқчи-услубчиларига малака тоифаларини бериш ишларини амалга ошириш;

**учинчи** – спорт-таълим муассасаларининг тренер-ўқитувчилари ва йўриқчи-услубчиларига малака тоифалари бериш бўйича мезонларни тасдиқлаш;

**тўртинчи** – спорт-таълим муассасаларининг тренер-ўқитувчилари ва йўриқчи-услубчиларига малака тоифаларини беришда тан олинадиган нуфузли спорт мусобақаларини белгилаш;

**бешинчи** – спорт-таълим муассасаларининг тренер-ўқитувчилари ва йўриқчи-услубчиларига малака тоифаларини бериш бўйича малака комиссиясини ташкил этиш ва унинг фаолиятини белгилаш.

2. Белгилансинки, ушбу қарор билан тасдиқланган маъмурий регламентга мувофиқ кўрсатиладиган давлат хизматидан фойдаланиш учун жисмоний шахслар фақат давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда ЯИДХП деб аталади) орқали мурожаат қиласди.

3. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда давлат хизматлари марказларининг ходимлари иштирокида ушбу қарор билан тасдиқланган маъмурий регламентни амалда қўллашнинг самарадорлиги ва амалда қўлланилиши натижадорлиги даражасини оширишга йўналтирилган ўкув семинарлари ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги қошидаги “Электрон ҳукумат ва рақамили иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази” ДУК Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда:

Спорт-таълим муассасаларининг тренер-ўқитувчилари ва йўрикчи-услубчиларига малака тоифаларини бериш бўйича давлат хизмати ЯИДХП орқали амалга оширилишини таъминласин;

ЯИДХПда давлат хизматлари кўрсатилишининг ҳар бир босқичида мурожаатларнинг кўриб чиқилишини кузатиб бориш тартибини жорий этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда ЯИДХПда давлат хизматлари кўрсатилишининг ҳар бир босқичида мурожаатларнинг кўриб чиқилишини кузатиб бориш тартибини жорий этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги:

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан давлат хизматлари кўрсатилишининг белгиланган тартиби бажарилиши юзасидан улар фаолияти бўйича, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назорат ўрнатсан;

ушбу қарор билан тасдиқланган маъмурий регламентнинг талабларини бузганлик учун давлат органлари ва бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларига нисбатан белгиланган тартибда маъмурий жазоларни қўлласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги бошқа манбаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўzlari қабул қилган норматив-хуқуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирасин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А.А. Абдухакимов, Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов ҳамда Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири Д.Х. Набиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил “З” март даги  
118-сон қарорига  
илова

**Спорт-таълим муассасаларининг тренер-ўқитувчилари  
ва йўриқчи-услубчиларига малака тоифаларини  
бериш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг  
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Регламент жисмоний шахсларга (кейинги ўринларда ариза берувчилар деб аталади) давлат хизматлари марказлари орқали спорт-таълим муассасаларининг тренер-ўқитувчилари ва йўриқчи-услубчиларига малака тоифаларини бериш бўйича давлат хизмати (кейинги ўринларда давлат хизмати деб аталади) кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Регламентда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**тренер-ўқитувчи** – спорт-таълим муассасалари, шу жумладан, ихтисослаштирилган спорт-таълим муассасаларида муайян спорт тури бўйича таълим дастури асосида бевосита таълим берувчи ва спортчиларни тайёрловчи мутахассис;

**йўриқчи-услубчи** – спорт-таълим муассасалари, шу жумладан, ихтисослаштирилган спорт-таълим муассасаларида ташкилий, тарбиявий, соғломлаштириш ва ўкув-услубий ишларни ташкил этувчи ва амалга оширувчи мутахассис.

3. Давлат хизмати давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда ЯИДХП деб аталади) орқали Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қорақалпогистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари (кейинги ўринларда ваколатли орган деб аталади) томонидан кўрсатилади.

Ушбу Регламент “Халқаро тоифали тренер” малака тоифасини беришга нисбатан татбиқ этилмайди.

4. Тренер-ўқитувчиларга қўйидаги малака тоифалари берилади:

иккинчи тоифали тренер;

биринчи тоифали тренер;

олий тоифали тренер.

5. Йўриқчи-услубчиларга қўйидаги малака тоифалари берилади:

иккинчи тоифали йўриқчи-услубчи;

биринчи тоифали йўриқчи-услубчи;

олий тоифали йўриқчи-услубчи.

6. Иккинчи ва биринчи тоифали тренер ҳамда иккинчи ва биринчи тоифали йўриқчи-услубчи малака тоифалари Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари томонидан берилади.

“Олий тоифали тренер” ва “Олий тоифали йўриқчи-услубчи” малака тоифалари Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан берилади.

Тренер-ўқитувчилар ва йўриқчи-услубчиларга берилган малака тоифалари уларга табақалаштирилган тарзда ҳақ тўлаш учун асос бўлади.

7. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўртасидаги ахборот алмашинуви электрон рақамли имзони (кейинги ўринларда ЭРИ деб аталади) мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат идоралараро ўзаро электрон боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

8. Давлат хизмати кўрсатиш ушбу Регламентга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

### **3-боб. Давлат хизмати кўрсатиш тартиби**

#### **1-§. Мурожаатларни шакллантириш ва юбориш**

9. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланиш учун давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат қиласи ёки давлат хизматларидан электрон тарзда фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтади.

10. Ариза берувчи ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда давлат хизматлари маркази ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат қилган тақдирда эса, мустақил равишда ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклдаги тегишли сўровномани электрон равишда тўлдиради.

Сўровномага қўйидаги хужжатлар илова қилинади:

а) тренер-ўқитувчilar малака тоифalariни oлиш учун:  
шахсни тасдиқловчи хужжат нусхаси;  
тайёрлаган спортчисининг мусобақаларда эришган натижаларини тасдиқловчи хужжатлар (мусобақа баённомаси ва диплом нусхалари);

спорчи тренер-ўқитувчiga бириктирилганлигини тасдиқловчи маълумотнома;

б) йўриқчи-услубчilar малака тоифalariни oлиш учун:  
шахсни тасдиқловчи хужжат нусхаси;  
йўриқчи-услубчи фаолиятини амалга ошириш учун нашр этилган услубий қўлланма(лар) нусхаси.

Ариза берувчилардан ушбу бандда кўрсатилмаган маълумотларни ҳамда бошқа ҳужжатларни талаб қилиш қатъиян тақиқланади.

11. Сўровномага зарур маълумотларни расмийлаштиргандан ва киритгандан сўнг ариза берувчи уни ўз ЭРИ билан тасдиқлади.

Ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда сўровномани ЭРИ билан тасдиқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда тегишли имзолар идентификация қилишнинг бошқа воситалари (дактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан ҳам тасдиқланиши мумкин.

12. Давлат хизмати кўрсатилгани учун қуйидаги миқдорда тўловлар ундирилади:

ариза кўриб чиқиш учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи миқдорида;

малака комиссиясини ўтказиш учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари миқдорида.

Давлат хизматини олиш учун ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда ушбу бандда кўрсатилган тўловлар суммасининг 90 фоизи ундирилади.

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози” ёки “Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози” унвонига, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида илмий даражага эга бўлган шахслар ҳақ тўлашдан озод этилади.

Давлат хизмати кўрсатилгани учун тўлов тўланганлигини тасдиқлаш ахборот-коммуникация тизимлари орқали амалга оширилади.

13. Тўловлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

ариза кўриб чиқиш учун тўлов суммасининг:

а) Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат қилганда:

20 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисоб рақамига ўтказилади;

колган маблағлар:

иккинчи ва биринчи тоифали тренер ҳамда иккинчи ва биринчи тоифали йўриқчи-услубчи малака тоифалари учун – тўлик равишида Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармаларининг маҳсус ҳисоб рақамига ўтказилади;

олий тоифали тренер ва олий тоифали йўриқчи-услубчи малака тоифалари учун – тўлик равишида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг маҳсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

б) ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда:

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисоб рақамига ўтказилади;

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги қошидаги “Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази” ДУКнинг маҳсус ҳисоб рақамига ўтказилади;

қолган маблағлар:

иккинчи ва биринчи тоифали тренер ҳамда иккинчи ва биринчи тоифали йўриқчи-услубчи малака тоифалари учун – тўлиқ равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармаларининг маҳсус ҳисоб рақамига ўтказилади;

олий тоифали тренер ва олий тоифали йўриқчи-услубчи малака тоифалари учун – тўлиқ равишда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг маҳсус ҳисоб рақамига ўтказилади;

малака комиссиясини ўтказиш учун тўлов тўлиқ микдорда ваколатли органнинг маҳсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

14. Ариза берувчи томонидан аризада ҳакиқий бўлмаган, сохта ва нотўғри маълумотлар кўрсатилиши, шунингдек, давлат хизматлари кўрсатиш учун йиғимни тўламаслик давлат хизмати кўрсатишни рад этиш учун асос бўлиб ҳисобланади, бундан мурожаат қилинган вактда маълумотлар қайта тўғриланган ҳолатлар мустасно.

Давлат хизматлари кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

Ариза берувчи малака тоифаларини бериш рад этилиши тўғрисидаги карор, шунингдек, малака тоифаларини берувчи орган мансабдор шахсининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳукуқига эга.

15. Ариза берувчилар давлат хизматларидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳукуқига эга. Ариза берувчи давлат хизматларидан фойдаланишдан бош тортганда унинг сўровномаси кўрилмасдан қолдирилади.

Бунда ариза кўриб чиқилганлиги учун тўланган тўлов суммаси қайтарилмайди.

Ариза берувчининг номзодини комиссиядан ўтказиш учун тўланган тўлов суммаси ариза берувчининг ёзма мурожаатига асосан тўлиғича ваколатли орган томонидан ариза берувчига қайтарилади.

Бундан ариза берувчи малака комиссиясидан муваффақиятли ўта олмаган ҳолатлар мустасно.

16. Ариза берувчи Давлат хизматлари марказига келиб мурожаат қилгандан, унинг сўровномаси Марказ ходими томонидан тўлдирилиб, ариза берувчи томонидан тасдиқлангандан сўнг, барча ҳужжатлар 10 дақиқа мобайнида ваколатли органга электрон шаклда юборилади. ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса сўровнома автоматик тарзда ваколатли органга юборилади.

## 2-§. Малака тоифаларини бериш тартиби

17. Малака тоифалари 5 йил муддатга берилади. Ушбу муддат ўтгандан сўнг тренер-ўқитувчилар ва йўриқчи-услубчилар ўз малака тоифаларини белгиланган тартибда қайтадан тасдиқлатиши шарт.

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози” унвонига эга бўлган шахсларга малака тоифалари чекланмаган муддатга берилади.

Малака тоифалари қонун ҳужжатларига мувофиқ ижодий таътил олинганда ижодий таътил муддатига, шунингдек, ёшга доир пенсияга чиқиши муддатига бир йил қолганда бир йил муддатга узайтирилади.

Малака тоифалари қайтадан тасдиқлангунга қадар тренер-ўқитувчилар ва йўриқчи-услубчиларга иш ҳақи мутахассис лавозими бўйича тўланади.

18. Малака тоифаларининг амал қилиш муддати тугашидан қоидага кўра икки ой олдин ариза берувчилар ушбу Регламентга мувофиқ қайта мурожаат қиласидилар.

19. Тренер-ўқитувчиларга малака тоифалари Олимпия, Паралимпия ва Осиё, Параосиё ўйинлари, Жаҳон ва Осиё чемпионатлари ва кубоклари, турли халқаро спорт мусобақалари, Ўзбекистон Республикаси чемпионати, кубоги бўйича берилади.

Малака тоифаларини беришда тан олинадиган нуфузли спорт мусобақалари ушбу Регламентга З-иловага мувофиқ белгиланади.

20. Спортчиларни кейинги спорт маҳоратини ошириш гурухларига берган тренер-ўқитувчилар ушбу спортчиларнинг натижалари бўйича тегишли малака тоифаларини олишга ҳақли. Бунда ушбу тренер-ўқитувчи даъвогарлик қилаётган малака тоифасидан олдинги малака тоифаси мезонларига тўғри келадиган натижаларга эришган спортчиларга эга бўлиши шарт. Бу спортчилар эришган натижалар бўйича тренер-ўқитувчи фақат бир марта малака тоифаси олиши мумкин.

21. Ваколатли органнинг масъул ходими сўровнома ва зарур ҳужжатлар тушган куни керакли ҳужжатларни тегишли малака тоифасини бериш ёки тегишли малака тоифасини беришни рад этиш тўгрисида қарор қабул қилиш учун ваколатли органнинг малака тоифаларини бериш бўйича комиссиясига (кейинги ўринларда Малака комиссияси деб аталади) киритади.

22. Сўровнома ва ҳужжатларда нотўғри маълумотлар кўрсатилиши, шунингдек, малака комиссиясини ўtkазиш учун тўловни тўламаслик малака тоифасини беришнинг рад этилиши учун асос ҳисобланади.

Малака тоифаси берилишини бошқа асосларга биноан рад этиш қатъиян тақиқланади. Малака тоифалари ушбу Регламентга 4, 5 ва 6-иловаларда назарда тутилган мезонларга мувофиқ берилади.

23. Ваколатли орган 5 иш кун ичида тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиши натижалари бўйича QR-код (матрик штрихли код) кўйилган

малака тоифасини бериш ёки малака тоифасини беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун малака комиссиясига киритади ва малака комиссиясининг қарорини тайёрлайди. Малака тоифасини бериш тўғрисидаги қарор ёки асосланган рад жавоби расмийлаштирилган куни масъул шахснинг ЭРИси билан тасдиқланган ҳолда давлат хизматлари марказига (ўзи келган ҳолда мурожаат қилинганда) ёки ариза берувчига (электрон тарзда мурожаат қилинганда) ЯИДХП орқали электрон тарзда юборилади.

24. Давлат хизматлари марказига электрон тарзда малака тоифасини бериш тўғрисидаги қарор ёки асослантирилган рад жавоби тушгандан сўнг давлат хизматлари маркази 10 дақиқа мобайнида уни ариза берувчининг электрон манзилига (мавжуд бўлса) юборади ва ариза берувчини бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими (телефон рақами) орқали хабардор қиласди. Давлат хизматлари маркази ариза берувчи ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда, ариза берувчининг сўровига асосан унга электрон шаклда қарор ёки асосланган рад жавобини ёки қоғоз шаклида муҳр босиб бериши мумкин.

### **3-§. Малака тоифаларини бериш бўйича малака комиссияси**

25. Тренер-ўқитувчилар ва йўриқчи-услубчиларга малака тоифаларини бериш бўйича Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузурида аъзолари бир йил муддатга тайинланадиган малака комиссияси ташкил этилади.

26. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирининг биринчи ўринbosари малака комиссиясининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирининг биринчи ўринbosари, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари бошлиқларининг ўринbosари – малака комиссиясининг раиси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари, спорт федерациялари (уюшмалари), спорт мактабларининг раҳбарлари ҳамда вакиллари малака комиссиясига аъзо сифатида киритилади.

27. Малака комиссияси унинг аъзоларининг учдан икки қисми катнашган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Малака комиссияси аъзоларига қуйидаги талаблар қўйилади:

олий маълумотга эга бўлиш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида камида 5 йиллик иш тажрибасига эга бўлиш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги норматив-хуқукий хужжатлар базаси билан яхши таниш бўлиш.

28. Малака комиссияси раиси ва аъзолари қўйидаги ҳолларда комиссия таркибидан муддатидан олдин чиқарилиши мумкин:

ўз аризасига кўра;

у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган тақдирда;

зиммасига юкланган вазифаларни бажаришда аниқланган қоида бузишлари бўлганда;

вафот этган тақдирда.

29. Малака комиссияси қарорлари очик овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Комиссия қарори йиғилишда иштирок этган аъзоларнинг кўпчилиги овоз берган тақдирда, қабул қилинган ҳисобланади. Овозлар тенг бўлган тақдирда, комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Малака комиссияси аъзоси бўлган мутахассиснинг ҳужжатлари комиссияда кўрилганда комиссия аъзоси бўлган мутахассиснинг овози ҳисобга олинмайди.

30. Малака комиссиясининг йиғилишлари ҳар ойнинг учинчи ўн кунлигига ўтказилади. Комиссиянинг навбатдан ташқари йиғилишлари қўйидаги ҳолларда раис томонидан чақирилади:

янги ўқув йили бошланиши билан боғлиқ бўлган ҳолларда;

тақдим этилган ҳужжатлар йиғилиб қолганда.

31. Малака комиссияси қарори баённома билан расмийлаштирилади ва раис ҳамда йиғилишда иштирок этган аъзолар томонидан имзоланади.

“Халқаро тоифали тренер” малака тоифасини олган тренер-ўқитувчиларнинг ҳисоби ваколатли орган томонидан юритилади ҳамда малака тоифасини бериш бўйича барча ҳужжатлар икки йил мобайнида сакланиб, тегишли архив муассасаларига топширилади.

### **3-боб. Якунловчи қоидалар**

32. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларнинг сир сакланишини таъминлайди.

33. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, унинг худудий бошқармалари ва давлат хизматлари марказлари ушбу Регламент талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти устидан доимий назорат қиладилар ва мониторинг олиб борадилар.

34. Ариза берувчилар давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-харакатлари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

35. Ушбу Регламент талабларининг бузилишида айборд бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Спорт-таълим муассасаларининг тренер-  
ўқитувчилари ва йўриқчи-услубчиларига малака  
тоифаларини бериш ишларини амалга ошириш  
кўрсатишнинг маъмурий регламентига  
1-илова

**Спорт-таълим муассасаларининг тренер-ўқитувчилари ва йўриқчи-услубчиларига  
малака тоифаларини бериш ишларини амалга ошириш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Ариза берувчи	<ol style="list-style-type: none"><li>Давлат хизматлари марказларига ўзи келган ҳолда мурожаат қилиш ёки электрон тарзда давлат хизматларидан фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтади.</li><li>Давлат хизмати кўрсатгани учун белгиланган йигимларни тўлайди.</li></ol>	<ol style="list-style-type: none"><li>Хоҳишига қўра</li><li>Мурожаат қилинганда</li></ol>
2-босқич	<ol style="list-style-type: none"><li>Давлат хизматлари маркази</li><li>Ягона интерактив давлат хизматлари портали</li></ol>	<p>Иккинчи ва биринчи тоифали тренер ҳамда иккинчи ва биринчи тоифали <u>йўриқчи-услубчи</u> малака тоифаларини бериш бўйича сўровнома ва унга илова қилинган хужжатларни Қорақалпогистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармаларига юборади.</p> <p><u>“Олий тоифали тренер”</u> ва <u>“Олий тоифали йўриқчи-услубчи”</u> малака тоифаларини бериш бўйича сўровнома ва унга илова қилинган хужжатларни Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига юборади.</p>	<ol style="list-style-type: none"><li>Сўровнома тўлдирилгандан кейин 10 дақиқа ичida</li><li>Автоматик тарзда</li></ol>
3-босқич	Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қорақалпогистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари (кейинги ўринларда ваколатли орган деб аталади)	<ol style="list-style-type: none"><li>Сўровнома ва илова қилинган хужжатларни кўриб чиқади.</li><li>QR-код (матрик штрихли код) кўйилган малака тоифасини бериш ёки малака тоифаси беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун малака комиссиясига киритади.</li></ol>	1 иш куни мобайнида

4-босқич	Малака комиссияси	QR-код (матрик штрихли код) кўйилган малака тоифасини бериш ёки малака тоифаси беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди ва ваколатли органга киритади.	Хар ойнинг учинчи ўн кунлигига
5-босқич	Ваколатли орган	Малака комиссиясининг қарори асосида QR-кодли (матрик штрихли код) малака тоифасини расмийлаштиради ҳамда тегишли давлат хизматлари марказига ёки (ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда) ариза берувчига (ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда) электрон тарзда юборади.	Хужжатлар қабул қилинган кундан бошлаб 5 иш куни мобайнида
6-босқич	Давлат хизматлари маркази	<p>1. Малака тоифаси тушгандан сўнг уни ариза берувчининг электрон манзилига юборади ва ариза берувчини бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қиласди.</p> <p>2. Ўзи келиб мурожаат қилганда гувохномани электрон тарзда ёки қоғоз шаклида ариза берувчига тақдим этади.</p>	<p>1. 10 дақиқа ичида</p> <p>2. Ариза берувчининг сўровига кўра</p>

Спорт-таълим муассасаларининг тренер-ўқитувчилари ва йўрикчи-услубчиларига  
малака тоифаларини беришбўйича  
давлат хизмати кўрсатишнинг  
маъмурий регламентига  
2-илова

**I-ШАКЛ**

(сана)

(ракам)

**Спорт-таълим муассасаларининг тренер-ўқитувчилари га малака тоифаларини бериш учун  
СЎРОВНОМА**

	II тоифа	I тоифа	Олий тоифа
<b>I. Ариза берувчи тўғрисида маълумотлар:</b>			
1. Ф.И.О.:			
2. Паспорт маълумотлари (серияси, рақами, санаси, ким томонидан берилган):			
3. Яшаш манзили:			
4. Электрон манзили (мавжуд бўлса):			
5. Телефон рақами:			
6. Ариза берувчининг спорт тури:			
7. Тренерлик фаолияти билан шугулланишга рухсатнома рақами ва амал қилиш мuddати.			
<b>II. Илова қилинадиган ҳужжатлар:</b>			
1. Тайёрлаган спортчисининг мусобакаларда эришган натижаларини тасдиқловчи ҳужжатлар (мусобақа баённомаси, диплом нусхаси);			
2. Спорчи тренер-ўқитувчига бириктирилганлигини тасдиқловчи маълумотнома;			

**2-ШАКЛ**

(сана)

(ракам)

**Спорт-таълим муассасаларининг йўрикчи-услубчилари га малака тоифаларини бериш учун  
СЎРОВНОМА**

	II тоифа	I тоифа	Олий тоифа
<b>I. Ариза берувчи тўғрисида маълумотлар:</b>			
1. Ф.И.О.:			
2. Паспорт маълумотлари (серияси, рақами, санаси, ким томонидан берилган):			
3. Яшаш манзили:			
4. Электрон манзили (мавжуд бўлса):			
5. Телефон рақами:			
6. Ариза берувчининг спорт тури:			
<b>II. Илова қилинадиган ҳужжатлар:</b>			
1. Йўрикчи-услубчи фаолиятини амалга ошириш учун нашр этилган услубий қўлланма(лар) нусхаси (мавжуд бўлса):			

Спорт-таълим муассасаларининг тренер-  
ўқитувчилари ва йўриқчи-услубчиларига малака  
тоифаларини беришбўйича давлат хизмати  
кўрсатишнинг маъмурий регламентига  
3-илова

## **Малака тоифаларини олишда тан олинадиган нуфузли спорт мусобақалари**

Нуфузли спорт мусобақаларига Олимпия, Паралимпия ва Осиё, Параосиё ўйинлари, Жаҳон ва Осиё чемпионатлари ва кубоклари, турли халқаро спорт мусобақалари, Ўзбекистон Республикаси чемпионати, кубоги киради. Бунда:

1. Олимпия, Паралимпия ўйинларининг нуфузи Халқаро Олимпия кўмитаси томонидан белгиланади.

2. Олимпия, Паралимпия ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари бўйича Жаҳон ёки Осиё чемпионати ва кубогининг нуфузи тегишли халқаро спорт федерацияси (уюшмаси) томонидан белгиланади.

3. Олимпия, Паралимпия ўйинлари дастурига киритилмаган спорт турлари бўйича Жаҳон чемпионати ва кубогининг нуфузи ушбу спорт мусобақаларида камида 20 та мамлакатнинг вакиллари ва (ёки) терма жамоалари қатнашган тақдирда тан олинади, Осиё чемпионати ва кубогининг нуфузи эса, ушбу спорт мусобақаларида камида 10 та мамлакатнинг вакиллари ва (ёки) терма жамоалари қатнашган тақдирда тан олинади.

4. Халқаро спорт мусобақаларининг нуфузи спорт турлари бўйича тегишли халқаро спорт федерациялари (уюшмалари) томонидан рўйхатга олинган халқаро спорт мусобақалари бўйича тан олинади. Бунда ушбу спорт мусобақаларида камида 6 та мамлакатнинг вакиллари ва (ёки) терма жамоалари қатнашган бўлиши керак.

5. Ўзбекистон Республикаси чемпионати, кубоги нуфузи ушбу спорт мусобақаларининг халқаро ва республика миқёсидаги спорт ҳамда оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасига киритилиши билан белгиланади.

Спорт-таълим муассасаларининг тренер-  
ўқитувчилари ва йўрикчи-услубчиларига малака  
тоифаларини бериш бўйича давлат хизмати  
кўрсатишнинг маъмурий регламентига  
4-илова

**Тренер-ўқитувчиларнинг иш натижаларини баҳолаш  
МЕЗОНЛАРИ**

Тренер-ўқитувчи томонидан тайёрланган спортчиларнинг спорт мусобақаларида эришган натижаси бўйича:				
Спорт мусобақасининг номи	Спортчи-лар сони* (каміда)	Спортчи томонидан спорт мусобақасида эгалланган ўрин (эришган натижаси)**		
		олий тоифа	биринчи тоифа	иккинчи тоифа
Олимпия ва Паралимпия ўйинлари	1	1 – 10	11 – 20	иштирок этган бўлиши кифоя
Жаҳон чемпионати ва кубоги	1	1 – 6	7 – 10	11 – 20
Ёшлилар ва ўсмиirlар ўртасида Жаҳон чемпионати ва (ёки) кубоги	1	1 – 3	4 – 6	7 – 10
Осиё, Параосиё ўйинлари	1	1 – 6	7 – 10	10 – 14
Осиё чемпионати ва кубоги	1	1 – 3	4 – 6	7 – 10
Ёшлилар ва ўсмиirlар ўртасида Осиё чемпионати ва (ёки) кубоги	1	1 – 2	3 – 5	6 – 8
Халқаро спорт мусобақалари	2	1	2 – 3	4 – 6
Ўзбекистон Республикаси чемпионати ёки кубоги	2	–	1 – 3	4 – 6
Ёшлилар ва ўсмиirlар ўртасида Ўзбекистон Республикаси чемпионати ёки кубоги	2	–	1	2 – 3

\*) Тренер-ўқитувчига тегишли малака тоифасини бериш учун у томонидан спорт мусобақасида қатнашиш учун тайёрланиши лозим бўлган спортчилар сони.

\*\*) Спортчининг спорт мусобақасида эгаллаши лозим бўлган ўрни (эришган натижаси).

“Олий тоифали тренер” малака тоифасини беришда тренер-ўқитувчи томонидан тайёрланган спортчиларнинг Ўзбекистон Республикаси чемпионати ёки кубоги ҳамда Ёшлилар ва ўсмиirlар ўртасида Ўзбекистон Республикаси чемпионати ёки кубогида эгаллаган ўрни кўрсаткич сифатида инобатга олинмайди.

Ушбу жадвалда кўрсатилган спорт мусобақаларининг нуфузи Спорт-таълим муассасаларининг тренер-ўқитувчилари ва йўрикчи-услубчиларига малака тоифаларини бериш бўйича давлат хизмати кўрсатиш маъмурий регламентга З-иловага мувофиқ аникланади.

Спорт-таълим муассасаларининг тренер-  
ўқитувчилари ва йўриқчи-услубчиларига малака  
тоифаларини беришбўйича давлат хизмати  
кўрсатишнинг маъмурий регламентига  
5-илова

## Тренер-ўқитувчиларнинг иш натижаларини баҳолаш МЕЗОНЛАРИ

Тренер-ўқитувчининг Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларини шакллантириш ҳамда спорт захирасини тайёрлашда кўшган ҳиссаси бўйича:		
Терма жамоалар ва спорт захираси	Тайёрланган спортчилар сони*	
	Биринчи тоифа	Иккинчи тоифа
Спортчиларни Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаси номзодлигига тайёрлаш (асосий)	2	1
Спортчиларни Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаси номзодлигига тайёрлаш (захира)	3	2
Спортчиларни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спорт терма жамоалари номзодлигига тайёрлаш (асосий)	3	2
Спортчиларни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спорт терма жамоалари номзодлигига тайёрлаш (захира)	4	3
Спортчиларни олий маҳорат спорт мактабига кириш учун тайёрлаш	3	1
Спортчиларни олимпия захираси коллежига кириш учун тайёрлаш	4	2
Спортчиларни олий спорт маҳорати босқичигача тайёрлаш	4	2
Спортчиларни спорт маҳоратини такомиллаштириш босқичигача тайёрлаш	2	1
Спортчиларни бошланғич тайёргарлик босқичидан ўқув-машқ босқичига тайёрлаш	–	2

\* ) Тренер-ўқитувчига тегишли малака тоифасини бериш учун у томонидан Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларини шакллантириш ҳамда спорт захирасини яратиш учун тайёрлаши лозим бўлган спортчилар сони. Бунда “Олий тоифали тренер” малака тоифасини беришда ушбу кўрсаткичлар инобатга олинмайди.

Спорт-таълим муассасаларининг тренер-  
ўқитувчилари ва йўрикчи-услубчиларига малака  
тоифаларини беришбўйича давлат хизмати  
курсатишнинг маъмурий регламентига  
б-илова

**Йўрикчи-услубчиларнинг иш натижаларини баҳолаш  
МЕЗОНЛАРИ**

Ташкилотлар, иш хусусиятлари	Иш стажи (йил)*		
	олий тоифа	биринчи тоифа	иккинчи тоифа
<b>Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги раҳбарлик лавозимидағи ҳамда ташкилий-услубий ишлари:</b>			
Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига	5	3	2
Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасига	5	3	2
Коракалпогистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармаларида	7	4	3
Республика даражасидаги спорт федерациялари (уюшмалари)да	5	3	2
Худудий спорт федерациялари (уюшмалари)да	7	5	3
Республика даражасидаги жисмоний тарбия-спорт жамиятларида	7	4	3
Худудий жисмоний тарбия-спорт жамиятларида	10	6	4
<b>Бевосита раҳбарлик лавозимидағи ишлари:</b>			
Олий спорт маҳорат мактаби, олий маҳорат спорт мактаби, олимпия захираси коллежи, ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларида	6	5	4
Болалар-ўсмирлар спорт мактабларида	7	5	3
<b>Илмий-тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги фаолияти:</b>			
Илмий унвон ёки илмий даражага эга бўлган ҳолда	7	4	2
Илмий унвон ва илмий даражага эга бўлмаган ҳолда	10	7	4

\* ) Иш стажини ҳисоблашда тегишли ишда (лавозимда) тўлиқ ишланган йиллар ҳисобга олинади.

Йўрикчи-услубчининг иш натижаларини баҳолашда унинг иш стажидан қатъи назар, Ихтисослаштирилган мувофиқлаштирувчи услубий Кенгаш томонидан рухсат берилган ҳолда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида якка муаллифликда чоп этган услубий қўлланмалари ҳисобга олинади. Бунда “Олий тоифали йўрикчи-услубчи” малака тоифасини олиш учун камида 1 та услубий қўлланма чоп этилган бўлиши лозим.

